



ВИЛОЯТ САНИТАРИЯ - ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ва ЖАМОАТ  
САЛОМАТЛИГИ БОШҚАРМАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИГИЛИШНИНГ

БАЁНИ 14 - сонли

2023 йил “ 27 ” - март

Термиз шаҳри

Йигилиш раиси:- А.Н.Мустанов вилоят СЭО ва ЖСБ бошлиғи.

Иштирок этди: - Вилоят СЭО ва ЖСБ бошлиғи ўринбосарлари, бўлим ва лаборатория мудирлари ва врачлари, ўрта тиббиёт ходимлари, жами бўлиб йигилишда 62 нафар ходимлар иштирок этишиди.

КУН ТАРТИБИ :

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**”ги Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда маъқулланган

Кун тартибидаги масала юзасидан йигилиш раиси вилоят СЭО ва ЖСБ бошлиғи А.Н.Мустанов, кун тартибдаги масала билан таништириди ва сўзни бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш.Сулаймоновга берди.

Қонун 8 боб, 53 моддадан иборат.

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг амал қилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги техник регламентларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва қўллаш, мувофиқликни баҳолаш ҳамда давлат назоратини амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

санитария, фитосанитария ва ветеринария чоралари;

мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги чоралар;

бухгалтерия хисоби стандартлари;

қимматли қоғозлар эмиссияси стандартлари ва қимматли қоғозлар эмиссияси риссолалари, баҳолаш фаолияти стандартлари;

тиббий ёрдам стандартлари;

давлат таълим стандартлари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### **3-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик**

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аризачи** — мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулот тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

**давлат назорати органи** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат бошқаруви органи;

**ишлиб чиқарувчининг ваколатли вакили** — ишилб чиқарувчи (чет эл ишилб чиқарувчиси) билан тузилган шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси худудида маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолашда ва уни муомалага чиқаришда ушбу ишилб чиқарувчи номидан ҳаракатларни амалга оширадиган тадбиркорлик субъекти;

**маҳсулот** — фаолиятнинг моддий-ашёвий шаклда тақдим этилган ва хўжалик мақсадида ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган натижаси;

**маҳсулотни муомалага чиқариш** — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатиш мақсадида етказиб бериш (реализация қилиш) ёки олиб кириш (ишилб чиқарувчининг омборидан жўнатиш ёки омборга жойламасдан юклаб жўнатиш);

**мувофиқлик тўғрисидаги декларация** — ишилб чиқарувчи, ишилб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қўлувчи муомалага чиқариладиган маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган хужжат;

**мувофиқликни декларациялаш** — маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини мажбурий равишида тасдиқлаш шакли;

**савдодаги техник тўсиқ** — маҳсулот келиб чиқсан мамлакатга (жойга) қараб маҳсулотга ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларига доир мажбурий талабларнинг турлича қўлланилиши оқибатида мамлакатлар ўртасидаги савдода юзага келадиган тўсиқ;

**синаш лабораторияси** — синашни амалга оширувчи юридик шахс ёки унинг таркибий бўлинмаси;

**сотувчи** — маҳсулотни реализация қиласидиган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган тадбиркорлик субъекти;

**техник жиҳатдан тартибга солиш** — маҳсулотнинг хавфсизлигига, уни ишилб чиқариш жараёнларига ва усусларига доир талабларни белгилаш, қўллаш ҳамда бажариш, шунингдек уларга риоя этилишини мувофиқликни баҳолаш ва давлат назоратини амалга ошириш орқали текшириш;

**техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар** — техник регламентлар ва стандартлар;

**техник регламент** — маҳсулот хавфсизлигининг қўлланилиши мажбурий бўлган тавсифлари ёки улар билан боғлиқ бўлган ишилб чиқариш жараёнлари ва усуслари, қоидалар белгиланган хужжат;

**хизмат** — жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, натижалари ашёвий шаклга эга бўлмаган фаолият.

### **5-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат:  
техник регламентларни қўллашнинг бирлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг камситилишига ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги;

техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳамда мувофиқликни баҳолашнинг бирлиги ва яхлитлиги;

мувофиқликни баҳолаш органларининг ишлаб чиқарувчилардан, сотувчилардан ва харидорлардан (истеъмолчилардан) мустақиллиги;

мувофиқликни мажбурий баҳолаш тартиб-таомилларини амалга оширишда синаш ҳамда ўлчаш қоидаларининг ва усусларининг бирлиги;

давлат назоратига ва мувофиқликни баҳолашга доир ваколатларнинг бир орган томонидан бирга қўшиб бажарилишига йўл қўйилмаслиги;

икки ва ундан ортиқ давлат назорати органида айни бир ваколатларнинг тақрорланишига йўл қўйилмаслиги.

**37-модда. Давлат назорати органларининг ва улар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги**

Давлат назорати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари назорат тадбирлари ўтказилаётганда ўз ваколатларини (хизмат вазифаларини) бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёки тайрихукукий харакатлар (харакатсизлик) содир этган тақдирда, белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат назорати органлари айбордor бўлган ўз мансабдор шахсларига нисбатан кўрилган чоралар тўғрисида хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тадбиркорлик субъектларига бир ой ичида хабар қилиши шарт.

**40-модда. Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот олинган тақдирда давлат назорати органларининг харакатлари**

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот олинган тақдирда давлат назорати органлари олинган ахборотнинг ишончлилигини текширишни мумкин қадар қисқа муддатларда амалга оширади.

Олинган ахборотнинг ишончлилигини текширишни амалга ошириш чоғида давлат назорати органлари:

маҳсулот тўғрисидаги ёки маҳсулотга доир талаблар билан боғлиқ бўлган маҳсулотни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, ишга тушириш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиб, реализация ҳамда утилизация қилиш жараёнлари тўғрисидаги қўшимча ахборотни, шу жумладан мажбурий мувофиқликни тасдиқлашни амалга ошириш чоғида ўтказилган тадқиқотлар (синаш) ва ўлчаш натижаларини ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, ижроидан, сотувчидан, импорт қилувчидан ва бошқа шахслардан сўраб олишга;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига сўровлар юборишига;

зарур бўлганда, мутахассисларни олинган материалларни таҳлил қилиш учун жалб этишига;

ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, сотувчидан, импорт қилувчидан маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини мажбурий равиша тасдиқланни амалга ошириш чоғида фойдаланилган далилларни ва бошқа хужжатларни сўраб олишга ҳақли.

Маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги тасдиқланган тақдирда, давлат назорати органи ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи томонидан зарар етказилишини бартараф этишига доир тадбирлар дастурини ўн кун ичида ишлаб чиқиши ҳақида ўз ваколатларига мувофиқ кўрсатма беради, уни бажаришга қўмаклашади ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Давлат назорати органи зарар етказилишини бартараф этишига доир тадбирлар дастурининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида:

зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги ахборотни тарқатишга кўмаклашади;

ишлаб чиқарувчидан, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилидан, сотувчидан, импорт қилувчидан ва бошқа шахслардан зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатларни сўраб олади;

зарар етказилишини бартараф этишга доир тадбирлар дастурида кўрсатилган муддатларга риоя этилишини текширади.

Техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотдан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг ҳаётига ва соғлигига зарар етказилишини ёхуд шундай зарар етказилиши хавфини бартараф этиш бўйича зудлик билан чоралар кўриш зарур бўлган тақдирда, давлат назорати органи:

ушбу маҳсулотнинг реализация қилинишини тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатма беради;

бу маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқ эмаслиги ва ушбу маҳсулотдан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлигига зарар етказилиши хавфи тўғрисида харидорларни (истеъмолчиларни) оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласи;

ушбу маҳсулотни мажбурий равишда чақириб олиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳақида карор қабул қиласи;

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи давлат назорати органининг ҳаракатлари устидан суд тартибida шикоят қилишга ҳақли.

Давлат назорати органи ҳаракатларининг файриқонунийлиги тўғрисида суд қарори қабул қилинган тақдирда, давлат назорати органининг ҳаракатлари туфайли ишлаб чиқарувчига, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилига, сотувчига, импорт қилувчига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши лозим.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, йиғилиш

### Қ А Р О Р      Қ И Л А Д И :

1.Шахар ва туман СЭО ва ЖСБ бошлиқларига:

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**”ги Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда маъқулланган Қонун раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

1.2.Ушбу Қонуннинг мазмун - мохияти барча мутахассисларга етказилсин.

1.3. Вилоят СЭО ва ЖСБнинг 2023 йил 25-мартдаги 04/718-сонли хати асосида ишлар ташкиллаштирилсин.

1.4.Телеграммдаги sanepidqum (хужжатлар базасига) кириб кейинги маълумотларни олиш мумкин.

Баённома тузувчи

А.Сайдов

Баж: Н.А.Тўраев



SANITARIYA – EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI  
QO'MITASINING SURXONDARYO VILOYATI BOSHQARMASI

BUYRUQ

2023 yil « 3 » aprel

№ 3781-T

Termiz sh.

“Ходим бириктириши тұғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Хуқуқий ахборотни тарқатиши ва ундан фойдаланишни таъминлаш тұғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошриш чора-тадбирлар тұғрисида”ги 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарорининг 4-банди ижроисни таъминлаш мақсадида

БҮЮРАМАН

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Хуқуқий ахборотни тарқатиши ва ундан фойдаланишни таъминлаш тұғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошриш чора-тадбирлар тұғрисида”ги 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсін.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ижтимоий-иктисодий соҳада хуқуқий хужжатларни электрон тизим орқали қабул қилиб олиш ва масъул ходимларга ўз вақтида етказилишини таъминлашда бошқарманинг ижро интизомига масъул ходим Исаев Мухриддинхұжа Файзуллохұжа ўғли, санитария врач ёрдамчысы Сайдов Алмазбек Рустамович, хуқуқий хужжатларни раҳбарлар ва ходимлар эътиборга етказиш учун бошқарманинг юристконсулти Холбоев Сирожиддин Режаб ўғли масъул этиб бириктирилсін.

3. Ушбу буйруқнинг ижроси юзасидан назорати бошқарма бошлиғи биринчи ўринbosари Ш.Нормаматов зымасига юқлатылсін.



А.Мустанов

ЧИҚИМ ХАТ 04/2440  
2023 йил 13 сентябр

Шахар ва туман СЭО ва ЖСБ  
бошлиқларига

Санитария-эпидемиологик-осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси, Сизларга вилоят Адлия бошқармасининг 2023 йил 18 августдаги 1-22/1-8/279-сонли хабарномасини ва ўрганиш ўтказиш тўғрисидаги 2023 йил 18 августдаги 120-ум-сон бўйругини, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 18 мартағи 19-07479-сонли хатини хамда Адлия бошқармасининг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш, норматив-хуқуқий хужжатларнинг ижро чиларга етказилиши хамда улардаги норма ва қоидаларнинг ахолига тушунтирилиши холатини ўрганиш бўйича саволномани юбораяпти.

Ушбу саволномада кўрсатилган хужжатларни тайёрлаб қўйишларингиз сўралади.

Вилоят санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизмати бошқармаси бошлиғи

А.Н.Мустанов

Баж: Н.А.Тўраев  
ф.ЯНГИ ХАТ 2021 йил

ЧИҚИМ № 04/718  
2023 йил 25 март

Шахар ва туман СЭО ва ЖСБ  
бошлиқларига

Санитария-эпидемиологик-осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси, Сизларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 9 мартағи 11/42-1/689-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида қўйидагиларни маълум қилади.

“Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-819-сонли Қонунининг 7-моддасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз соҳа фаолиятига доир норматив-хуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича зарур ишларни ташкил этиши белгиланган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юборилган Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-819-сонли Қонуни маълумот ҳамда ҳуқуқий ахборот сифатида фойдаланиш учун юборилмоқда.

Мазкур Қонуннинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда тушунтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан тарғибот материаллари тўплами (аннотация, слайд, инфографика) тайёрланган.

Ушбу тарғибот материалларини бўлим ходимларига етказган ҳолда, Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича жойларда тизимли ҳамда манзилли тарғибот тадбирларини ташкил қилишингиз, шу билан бирга тарғибот тадбирларида телевидение ва радио имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишингиз сўралади.

*Илова: Адлия вазирлигининг 2023 йил 9 мартағи 11/42-1/689-сонли хати, ЎРҚ-819-сон Қонун электрон нусхаси ҳамда электрон тарғибот материаллари тўплами (аннотация, слайд, инфографика).*

Вилоят санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизмати бошқармаси бошлиғи

А.Н.Мустанов

**O‘zbekiston Respublikasining “Texnik jihatdan tartibga solish to‘g‘risida”gi  
Qonuni (O‘RQ-819, 27.02.2023-y.) mazmun-mohiyatini yoritish bo‘yicha  
ANNOTATSIYA**

Qonunga ko‘ra, **texnik jihatdan tartibga solish** – mahsulotning xavfsizligiga, uni ishlab chiqarish jarayonlariga va usullariga doir talablarni belgilash, qo‘llash hamda bajarish, shuningdek ularga rioya etilishi muvofiqligini baholash va davlat nazoratini amalga oshirish orqali tekshirishdir.

**O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi** texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi maxsus **vakolatli davlat organi hisoblanadi**.

**Texnik reglament** — mahsulot xavfsizligining qo‘llanilishi majburiy bo‘lgan tavsiflari yoki ular bilan bog‘liq bo‘lgan ishlab chiqarish jarayonlari va usullari, qoidalar belgilangan hujjat.

Texnik reglamentlar rasmiy e’lon qilingan paytdan e’tiboran kamida **olti oy** o‘tgach amalga kiritiladi.

Qonunga muvofiq, texnik reglamentlar quyidagi **maqsadlarda qabul qilinadi**:

- mahsulot xavfsizligi talablarini belgilash orqali fuqarolarning hayotini yoki sog‘lig‘ini muhofaza qilish;
- atrof-muhitni, hayvonot va o‘simlik dunyosini muhofaza qilish;
- xaridorlarni (iste’molchilarini) chalg‘itadigan harakatlarning oldini olish;
- energiya jihatdan samaradorlikni va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni ta’minlash;
- savdodagi texnik to‘siqlarni bartaraf etish;
- ichki va tashqi bozorlarda mahsulotning raqobatbardoshlilikini oshirish.

**Muvofiqlikni baholash** mahsulotning, ishlab chiqarish jarayonlarining, xizmatlarning, menejment tizimlarining, xodimlarning texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga muvofiqligini aniqlashga doir faoliyatdir. Muvofiqlikni baholash organi muvofiqlikni baholash tartib-taomillarini bajaradigan **yuridik shaxsdir**.

Mahsulot, ishlab chiqarish jarayonlari, xizmatlar, menejment tizimi va xodimlar **muvofiqlikni baholash obyektlaridir**.

Texnik reglamentlarda belgilangan muvofiqlikni majburiy ravishda tasdiqlash quyidagi shakllarda amalga oshiriladi:

❖ **muvofiqlikni deklaratsiya qilish**— muvofiqligi majburiy ravishda tasdiqlanishi lozim bo‘lgan mahsulotga nisbatan rasmiylashtiriladigan hujjat.

❖ **majburiy sertifikatlashtirish**—texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarda belgilangan talablarga muvofiqligini tasdiqlovchi hujjat.

Qonunga ko‘ra, davlat nazorati organlari o‘rtasida yuqori xavf tug‘diradigan mahsulot haqida tezkor ravishda o‘zaro xabar berish tizimi yaratiladi va faoliyat ko‘rsatadi.


Qonun rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran **6 oy o‘tgach** kuchga kiradi.

*Asos: O‘zbekiston Respublikasining  
O‘RQ-819-son Qonuni (27.02.2023-y)*

# "TEXNIK JIHATDAN TAQTIBGA SOLISH TO'G'RISIDA" GI QONUN MAZMUN-MOHIYATI




Vazifa: O'RQ-819-son, 27.02.2023-yil



**Texnik jihatdan tartibga solish** – mahsulotning xavfsizligiga, uni ishlab chiqarish jarayonlariga va usullariga doir talablarni belgilash, qo'llash hamda bajarish, shuningdek ularga riyo va etilishi muvofiqligini baholash va davlat nazoratini amalg'a oshirish orqali tekshirishdir



**O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi**  
texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi imasus  
vakolati davlat organi hisoblanadi



**Texnik reglament** – mahsulot xavfsizligining qo'llanilishi majburiy bo'lgan taysiflari yoki ular bilan bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish jarayonlari va usullari, qoidalar belgilangan hujjat


- Texnik reglamentlar rasmiy e'l'on qilingan paytdan e'tiboran kamida 6 oy o'tgach amalga kiritiladi

## Texnik reglamentlar quyidagi maqsadlarda qabul qilinadi:

- mahsulot xavfsizligi talablarni belgilash orqali fuqarolarning hayotini yoki sog'lig'ini muhofaza qilish
- atrof-muhitni, hayvonot va o'simlik dunyosini muhofaza qilish
- xaridorlani (iste'molchilarни) chalg'itadigan harakatlarning oldini olish
- energiya jihatdan samaradorlikni va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni ta'minlash
- savdodagi texnik to'siqqlarni bartaraf etish
- ichki va tashhc'i bozorlarda mahsulotning raqobatbardoshlligini oshirish

**Muvofiqlikni baholash** mahsulotning, ishlab chiqarish jarayonlarining, xizmatlarning, menejment tizimlarining, xodimlarning texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga muvofiqligini aniqlashga doir faoliyadir

- Muvofiqlikni baholash** organi muvofiqlikni baholash tartib-taomillarini bajaradigan yuridik shaxsdir



**Mahsulot, ishlab chiqarish jarayonlari, xizmatlar, menejment tizimi va xodimlar muvofiqlikni baholash obyektlaridir**

- Texnik reglamentlarda belgilangan muvofiqlikni majburiy ravishda tasdiqlash** quyidagi shaklarda amalga oshiriladi:

**muvofiqlikni deklaratsiya qilish** – muvofiqligi majburiy ravishda tasdiqlanishi lozim bol'gan mahsulotga nisbatan rasmiylashtiriladigan hujjat

**majburiy sertifikatlashirish** – texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarда belgilangan talablarga muvofiqligini tassiqlovchi hujjat



XALQIMIZ ERTAGI EMAS, UZOQ KELAJAKDA EMDI, AYRAN  
BUGUN O'Z HAYOTIDA UJIBIY O'ZGARISHLARNI KO'RISHNI ISTAYDI.  
BIZNING MEHMATKASH, OQKO'NGIL, BAG'RIKEG XALQIMIZ  
BUNGA TO'LA HAQLIDIR.

SH. M. MIRZIYOYEV

